

ОЛИЙ МАЛАКАЛИ МУТАХАССИСЛАРНИ ТАЙЁРЛАШДА ТАДБИРКОРЛИК ЎЙИНЛАРИНИНГ АҲАМИЯТИ

Муталов Абдуазим

«ALFRAGANUS» университети профессори

Аннотация: Мақолада академизм ва профессионализмни бир бирига ўйғунлаштириш келажакда мутахассисларни етиштиришнинг самарали усули бўлган вазифалардан бири ҳисобланади ва бу муаммони ҳал қилишда тадбиркорликни роли очиб берилган.

Калит сўзлар: тадбиркорлик, ўйинлар, сценарий, баҳолаш, педагогик технологиялар

Кириш

Маълумки, олий ўқув юртлари талабаларга умумтаълим, фундаментал ва ихтисослик фанларини ўқитиш билан бирга, уларни ўзларининг бўлгуси ишхоналарида ўз мутахассисликлари бўйича бемалол ишлаб кета олишларини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқариш ва дипломолди амалиётларини ўташ учун бевосита корхона ва ташкилотларга юборадилар, ҳамда ундан ташқари ўқув жараёнида корхона ва ташкилотлар фаолиятида учраши мумкин бўлган муаммоли вазиятларни корхонанинг ўша пайтдаги конкрет шароитидан келиб чиқиб ечишга, чуқур иқтисодий таҳлил қилиш йўли билан конкрет чоралар ва самарали ечимларни қидириб топиш, уларнинг энг самарали йўллари танлаб ишлаб чиқаришга татбиқ этишни ўргатувчи тадбиркорлик ўйинларини ўйнашни кўзда тутадилар.

Бошқача қилиб айтганда, замонавий ўқув режалари ва дастурлари малакали мутахассислар тайёрлашда академизм билан бирга профессионализм кўникмаларини ҳам сингдириб боришни тақозо этади. Фақат шундагина биз олий ўқув юртини битириб келган ёш мутахассиснинг хўжалик юритувчи субъектнинг иш фаолиятига тезда катта қийинчиликларсиз интеграциялашиб кетишини таъминлашимиз мумкин.

Асосий қисм

Бизнинг иқтисодиётимизнинг турли тармоқлари учун юқори салоҳиятга эга бўлган малакали ёш мутахассисларни тайёрлаш бўйича тажрибамиз академизмдан профессионализмга ўтишни таъминлашда ўқув жараёнида турли хил сценарийси пухта ишланган тадбиркорлик ўйинларининг роли айниқса бекиёслигини кўрсатди.

Тадбиркорлик ўйини хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятида учраши мумкин бўлган муаммоли вазиятларни субъектнинг шу даврдаги конкрет шароитларидан келиб чиқиб муваффақиятли ечиш имконини берувчи чора-

тадбирларни қўллашни, чуқур молиявий-иқтисодий таҳлил қилиш йўли билан конкрет чоралар ва ечимларни қидириб топиш, уларнинг энг самарали йўллари танлаб хўжалик юритувчи субъектнинг амалий фаолиятига жорий қилишни ўргатувчи ўқитишнинг прогрессив технологияларининг энг самарали йўналишларидан биридир.

Ушбу маърузамизда мисол тариқасида «ALFRAGANUS» университети профессори А. Муталов томонидан «Солиқлар ва солиққа тортиш» фанидан ишлаб чиқилган тадбиркорлик ўйини сценарийси асосида «Солиқлар ва солиққа тортиш» мутахассислиги талабалари билан ўйналган тадбиркорлик ўйини билан таништириб ўтмоқчимиз.

Тадбиркорлик ўйини бошлангач, сценарийга мувофиқ тўртта турли мақомдаги шартли равишда «А», «Б», «В» ва «Г» деб номланган корхоналарнинг ҳар бирига тўрттагача талаба корхонанинг солиқ масалалари билан шуғулланувчи бухгалтери сифатида бириктириб чиқилди.

Ҳар бир корхона бўйича:

- ишловчилар сони;
- ўртача ойлик иш ҳақи;
- банк хизматлари учун фоиз тўловлари;
- лизинг учун тўланмай қолган қарзлар;
- мол-мулк солиғи бўйича тўланмай қолган қарз миқдори;
- 1 декабр ҳолатига корхона ҳисоб рақамидаги пул қолдиги;
- келиб тушган пуллар;
- сотилган товарлар қиймати;
- хом - ашёга тўланган пул;
- хизмат сафарига тўланган пул;
- бошқа харжатлар бўйича маълумотлар эълон қилинди.

Шундан сўнг қуйидаги аниқланиши лозим бўлган қуйидаги саволлар қўйилди:

- ҳар бир корхона бўйича тўланиши лозим бўлган солиқ турлари;
- солиққа қайта тортиладиган тўловлар миқдори;
- солиқдан имтиёзлар;
- солиқ солиш базаси;
- солиқ ставкаси;
- ҳар бир солиқ тури бўйича бюджетга тўланиши лозим бўлган пул миқдори;
- солиқлар ва бошқа мажбурий тўловларнинг умумий миқдори;
- ойлик молиявий натижалар:
- фойда;
- зарар кабиларни аниқлаш топшириғи берилди.

Топширикни бажаришда корхоналар тўлайдиган солиқ турлари уларнинг

ихтисослашувига, ишловчилар сонига, ишловчилар таркиби (ногиронлар бор-йўқлиги)га, Низом жамғармаси миқдори ва таркибига, бериладиган имтиёзларга боғлиқлигига эътибор беришлари лозимлиги ҳақида огохлантирилдилар.

Масалан, ишловчилар сонига қараб корхоналар кичик, ўрта ёки йирик корхоналар категориясига киритилиши мумкин ва катъий белгиланган солиқни, ёки айланмадан солиқни ёки барча умумбелгиланган солиқларни тўлашлари мумкин.

Ишловчилар таркибига қараб корхоналар солиқларнинг барча турларини тўлаши мумкин ёки айрим турларидан, базан эса барча турларидан озод этилиши мумкин. Мисол учун Ўзбекистон Республикаси кўрлар жамиятига қарашли корхонада ишловчиларнинг ярмиси ёки ундан кўпроғини ногиронлар ташкил этса, у корхона солиқлардан озод этилади.

Низом жамғармасининг миқдори ва таркибига қараб корхона қўшма ёки оддий корхона саналиши мумкин. Масалан, қўшма корхона саналиши учун Низом жамғармасининг камида 31%ини чет эл сармояси ташкил этиши лозим.

Юқоридагилардан ташқари, корхоналарда айрим харажат турлари қайта солиққа тортилиши мумкин. Масалан, хизмат сафарига борувчилар учун тўланадиган суткалик тўловлар меъёридан ортиқ тўланган бўлса, шу ортиқча тўланган сумма шу сафарга борган ходимнинг ҳисобот даврида ишлаб топган барча даромадининг умумий миқдори устига қўшилиб, белгиланган тартибда жисмоний шахслар даромадидан олинадиган солиққа тортилади.

Тадбиркорлик ўйинининг пировардида «бухгалтерлар» (талабалар) ҳар бир корхонанинг молиявий натижаларини аниқлашди.

Шундан сўнг, бошловчи (профессор-ўқитувчи) ҳар бир корхона бўйича тақдим этилган ҳисоб-китоблар ва хулосаларни чуқур таҳлил этиб, йўл қўйилган хато ва камчиликларни аниқлаб, керакли тузатишлар киритишди ва хулоса қилишди.

Хулоса

Тадбиркорлик ўйини унинг иштирокчиларида жуда катта қизиқиш уйғотди. Аудиторияда худди ҳақиқий корхоналардагидек ишчанлик кайфияти ҳукм сурди.

Тадбиркорлик ўйинида қатнашган ҳар бир «бухгалтер» (талаба) олийгоҳни битириб, корхонага келиб ўз мутахассислиги бўйича ишга тушгач, ўзининг иш жойида нима ишлар қилишини ўз кўзи билан кўрди ва бевосита шу иш ўрнида мустақил ишлади.

Шундай қилиб, бундай тадбиркорлик ўйинлари умумтаълим ва фундаментал билимларни етарли даражада эгаллаган талабаларни солиқ соҳасида учраши мумкин бўлган муаммоли ҳолатларни муваффақиятли ечишга, уларнинг хўжалик юритувчи субъектларда мустақил ишлаб кетиш

кўникмаларининг пайдо бўлишига олиб келишига ишончимиз комил.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати:

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. <https://lex.uz/docs/>
2. Ўзбекистон Республикаси Солиқ Кодекси (янги таҳрири). <https://lex.uz/docs/>
3. Xudoyqulov S. / Soliq nazariyasi. / Darslik. T: Iqtisodiyot. 2019.
4. Vahobov A.V., Jo`rayev A.S. / Soliq va soliqqa tortish. / Darslik. T.: Iqtisodiyot-Moliya. 2019.
5. Niyazmetov I.M. / Soliq tizimi. / T: Akademiya. 2018.
6. Mutalov A., Mytalova D. / Kichik biznes va tadbirkorlikni soliqqa tortish. T.: Iqtisodiyot, 2013.